O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 12 май ШАНБА

№ 39 (11.946)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади



## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Сингапур Менежментни ривожлантириш институти бош котиби, доктор Раманатан Дейвендран бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Банклари уюшмасида 11 май куни чакана банк бизнесини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Банклари уюшмаси, Марказий банк ва Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Сингапур, шунингдек, МДҲ ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари тижорат банкларининг миллий уюшмалари ҳамда молия-кредит ташкилотлари раҳбарлари, чакана банк хизматлари соҳасида иш юритувчи банклар мутахассислари, банк тизимига хизмат кўрсатувчи маркетинг бўлинмалари, консалтинг ва IT-компаниялар ҳамда етакчи таълим муассасаларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз аҳолиси ва тадбиркорлар учун банк хизматининг янги турларини шакллантириш ва тавсия этиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда банкларнинг чакана бозор инфратузилмасини такомиллаштириш, халқаро ва маҳаллий тажрибани ўрганиш, банк хизматлари бозоридаги инновациялар билан танишишдан иборат.

Тадбирда банк-молия тизимининг етакчи мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимларининг маърузалари тингланди. Банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, чакана банк бизнеси ҳамда банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

– Ўзбекистонга ташрифимиз доирасида мамлакатингизда банк-молия тизими изчил ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик, – деди Россия Минтақавий банклари уюшмаси кенгаши раиси, Россия Тадбиркорлар ва саноатчилар иттифоқи вице-президенти Александр Муричев. – Юртингизда бу тизим ривожланиш суръати бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Анжуман доирасида МДҲ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари Банк уюшмалари халқаро мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда ўзаро манфаатли интеграция жараёнларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашинди.

Сингапур Менежментни ривожлантириш институти делегацияси Ўзбекистон Банк-молия академиясида бўлиб, ушбу муассаса фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон Банк-молия академияси билан Сингапур Менежментни ривожлантириш институти ўртасида ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди. У мазкур академия тингловчиларининг Сингапурда малака оширишини кўзда тутади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси давлат болалар кутубхонаси йилига қарийб ўн беш минг нафар ёш китобхонга хизмат кўрсатади. Унинг китоб хазинасидан 250 минг нусхадан ортиқ ранг-баранг мавзудаги адабиётлар жой олган.**

## БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДАГИ ҚУЛАЙЛИК

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ҳаётга изчил татбиқ этаётган кутубхона жамоаси болалар ва ўсмирларни мутолаага жалб қилишнинг самарали шаклларидан оқилона фойдаланаётир. Жумладан, китоб ва видеомаданиятни, электрон кутубхоналар ҳамда Интернетни интеграциялаш, замонавий ахборот технологиялари имкониятини ўқувчилар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтиришнинг самарали услублари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, болаларнинг севимли зиё масканига айланган кутубхона фаолият кўлами янада кенгаядиган бўлди. Бу ерда Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам гранти доирасида олинган аудио-визуал ускуналарни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди. Эндиликда мазкур маърифат масканида замонавий кутубхона, ахборот, Интернет ва медиатехнологияни ўзида жамлаган ноёб ахборот-интеллектуал марказ барпо этилди. Бунинг натижасида, ҳатто кўриш қобилияти чекланган болалар ва ўсмирларга ҳам кенг кўламли кутубхона хизмати кўрсатиш имконияти яратилди.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, мазкур зиё масканида ташкил этилган Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган, япон халқ эртаклари ҳамда болалар адабиёти дурдоналаридан иборат китоблар кўргазмаси билан танишдилар.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИ:

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

**Кеча икки қўшни мамлакат – Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихида яна бир янги саҳифа очилди. Жанубий Қозоғистон вилоятининг делегацияси вилоятимизда бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз билан танишди.**

Жанубий Қозоғистон вилоятининг ҳокими Ўмирзак Шўкеев раҳбарлигидаги савдо-саноат ва маданият намоёндалари делегацияси кеча эрта тонгда Буюк Ипак йўли устида, Ғишткўприк чегара постида кутиб олинди. Дўмбира садолари янградди. Қибрайлик оқин Қулмуҳаммад Дуйсенов яхши қўшничилик муносабатлари, қутлуғ қадамлар ҳақидаги ўланини учрашув иштирокчилари мириқиб тинглашди.

Дастлабки учрашув чоғида икки қардош халқнинг қадимий дўстлик алоқалари, ўзбеклар ва қозоқлар оғир-хатарли кунларда ҳам, хушнудлик, бахтли-саодатли паллаларда ҳам бир-бирига елкадош бўлиб яшаётгани, бу дўстлик миллий мустақиллик йилларида яна ҳам мустаҳкамланиб, ҳамкорлик кўламлари кенгайиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Бизнинг дўстлик алоқаларимизни икки халқ алломалари ва аҳли донишлари заковатининг нури ёритиб турибди.

Ўзбекда: "Ҳовли олма, қўшни ол", – деган мақол бор. Яқин қўшничилик ўзбек ва қозоқ халқларига Аллоҳ томонидан ато этилган неъматдир. Даврлар оша аждодларимиз бу қалин дўстликни ардоқлаб, мустаҳкамлаб келмоқдалар.

– Икки дўст халқ бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро алоқаларни яхши қўшничилик асосига қуриб, ижтимоий-маданий, савдо-иқтисодий ҳамда икки томонлама манфаатли ҳамкорлик ришталари тобора ривожланиб бормоқда, – дейди Жанубий Қозоғистон вилояти Ўзбек миллий маданият маркази раиси Икром Ҳакимжонов. – Вилоятимиз делегациясининг бу галги ташрифи икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий,

(Давоми 2-бетда).





**Президентимиз томонидан жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси билан шуғулланадиган идора ва ташкилотлар масъулиятини янада оширди.**

## БАНДЛИК – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИ

Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтган давр мобайнида 15 мингдан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун етти мингдан зиёд иш ўрни очилди.

– Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиляпти, – дейди бошқарма бошлиғи Ў. Исамуҳаммедов. – Бугунга келиб шу тоифага кирувчи бир ярим минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди.

Аҳолини иш билан таъминлашда жойларда меҳнат бўлимлари томонидан ўтказилаётган ярмаркаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айни пайтгача 26 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркаларда вилоятдаги 300 га яқин корхона ва ташкилот уч мингга яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Уларда саккиз юз нафар талабгор ишга жойлашди.

**ЎзА.**

## КОЛЛЕЖДА ЯНА БИР КОМПЬЮТЕР ХОНАСИ

**Юқоричирчиқ қурилиш-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқувчи-ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш борасидаги изланишлар яхши самара бермоқда.**



Тошкент Давлат техника университетининг «Ўқув компьютер маркази» томонидан тортиқ қилинган еттита «ақлли» машина янги компьютер синфига ўрнатилди.

Айни вақтда марказ мутахассислари ўқувчиларга дастурлаш, интернет билан ишлаш, дастурлардаги нособликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан машғулотлар уюштиришда ҳам ёрдам бермоқдалар.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ТИНЧЛИГИМИЗ РАМЗИДИР ҚАНОТ ЁЙГАН ТУРНАЛАР

**Хотира ва қадрлаш куни вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланди. Шу кунларда ҳаммамиз бир туйғу билан яшамоқдамиз. Бугунги озод ва обод Ўзбекистонни барпо этиш учун азиз жонларини фидо қилган, Ватан мустақиллиги учун курашга бутун ҳаётларини бахшида этган аждодларимизнинг ёрқин хотиралари ёдга олиниб, кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.**

Бугунги нурли кунларга етиб келгунимизгача босиб ўтилган йўллар, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз, фронт ортида фидокорона меҳнатлари билан ғалабага муносиб ҳисса қўшган азиз оналаримиз, опаларимиз меҳнати, шижоатини эслаб, бугунги тинчосуда ҳаётимиздан шукроналар қилмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).



**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## БИР ЙЎЛА ЎН ОЛТИТА ДЎКОН

Қуйичирчиқ тумани деҳқон бозорининг қиёфаси тубдан янгиланиш арафасида.

Туманда фаолият юритаётган «Шуҳрат Саидғози ўғли» хусусий фирмасининг саъй-ҳаракати билан бозор ҳудудида қаторасига 16 та дўкон ишга туширилиши мўлжалланган. Дўконларда асосан кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилинади. Ҳозирча улардан биттаси фойдаланишга топширилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ЁШЛАР АНЖУМАНИ

**Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги VI анжумани бўлиб ўтди.**

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси иш режалари белгилаб олинди. 2007-2008 ўқув йили учун вилоят сардорлар кенгаши раиси сайланди.

Шу куни «Сардор – 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам ўтказилди. Унда барча шаҳар ва туманлар сардорлар кенгаши аъзолари билим ва салоҳиятларини, истеъдодларини уч шарт бўйича намойиш этишди.

Танлов ғолибларига ёшлар ҳаракатининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шу куни иштирокчилар истироҳат боғида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ

**Олмалиқдаги «Металлург» маданият саройида ўтказилган «Маънавият ва миллий ғоясиз келажак йўқ» мавзуидаги тадбирда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.**

Мавзу доирасида ўнга яқин мутахассис ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди. Тадбирнинг «Ўтганлар ёди унутилмайди» деб номланган қисмида эса Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотираси ёд этилиб, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида сўз юритилди.

**Мунира ИСАЕВА.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

**«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмасига қарашли корхоналар янги технологиялар билан таъминланмоқда.**

Уюшманинг Тошкент кимё-технология институти билан хўжалик шартномаси асосида юзага келган технология пахта ёғини тозалашга хизмат қилади.

«Пахта ёғини аралашмалардан тозалашнинг замонавий технологиясини яратиш ва такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича олиб борилган бу изланишлар ишлаб чиқаришда катта иқтисодий самара беради.

Истиқболли технология биринчилардан бўлиб «Янгийўл ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамиятида қўлланилди.

**Анвар АКБАРОВ.**

## «КОШОНА»ДА ТАНТАНА

**Пскент тумани ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Мезон» ғишт ишлаб чиқариш корхонаси томонидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари учун «Кошона» маросимлар уйида байрам дастурхони ёзилди.**

– Юртимизда инсон ва унинг меҳнати юксак қадрланади, – дейди тадбир иштирокчиси Барот Маллаев. – Президентимиз Фармонига мувофиқ байрам кунида биз, фахрийларга рағбатлантирувчи мукофотларнинг топширилиши ҳам алоҳида эътибор, ғамхўрликнинг намунасидир.

Шунингдек, байрам кунларида тумандаги 100 дан ортиқ кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлар томонидан саховат кўрсатилди.

**Маҳфуза ИСКАНДАРОВА.**

## «ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН»

**Бекобод туман педагогика коллежида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг ташаббуси билан «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ташкил этилди.**

Бекобод, Бўка туманлари ҳамда Бекобод шаҳридаги 13 та коллеж талабалари иштирок этган учрашувда шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабаси Мухлиса Муҳаммадалиева танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИ:

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА





савдо-сотиқ алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунингдек, маданий-маънавий алоқаларни янги босқичга кўтариш кўзланган мақсадлардан биридир.

Бугунги кунда вилоятимизда ўзбек миллатига мансуб ярим миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ҳозирда ўқитиш ўзбек тилида олиб борилаётган 105 та мактабда 107 минг нафардан зиёд ўғил-қиз таълим олмоқда.

Ўзбек миллий маданий марказимизнинг жойларда 9 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Улар қошида "Ғунча" халқ дастаси, "Умид", "Парвоз" гуруҳлари, "Юлдузча", "Садаф" қизлар дасталари қизғин фаолият олиб бормоқда. Вилоят Ўзбек драма театри ҳам ўз нуфуз ва мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Ҳозирда вилоят ижтимоий-сиёсий "Жанубий Қозоғистон" нашри, "Адабиёт ва санъат", шунингдек, "Болажон", "Камалак" болалар журналлари, қолаверса, етти номда хусусий газета чоп этилмоқда. Қозоғистон-Чимкент телекомпаниясининг "Умид", "Юртимиз жамоли" теледастурлари ҳафтасига

(Давоми. Боши 1-бетда).

икки маротаба ўзбек тилида вилоят янгиликлари билан таништириб боради.

Биз томири бир, тили, урф-одатлари ва қадриятлари эгизак халқлармиз, қуда-қудағайлармиз. Қозоқ халқи: "Улуғ дўстликкина бахтга етказади", дейди. Бошқа бир мақолда эса, дўсти кўпни ёв, ақли кўпни дов ололмаслиги таъкидланади. Бу мақолнинг моҳияти мамлакатларимиз халқларини бирликка, баҳамжиҳатликка даъват этмоқда. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши эса, бу азалий дўстликка қудрат бағишламоқда, унинг жозиба кучини оширмоқда.

Ҳозирги пайтда корхоналаримиз Қозоғистон Республикасига йилига 21,6 миллион долларлик маҳсулот ва хизматларни экспорт қилмоқда. Қўшни мамлакатдан ҳам деярли шунча маҳсулот ва хизматлар импорт қилинаётир. Икки қўшни мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 46,7 миллион долларни ташкил этаётир.

– Бунинг фақат 12,4 фоизи бизнинг вилоятларимиз ҳиссасига тўғри келади, – дейишди меҳмонлар. – Ҳолбуки, вилоятимизнинг ўзаро экспорт-импорт салоҳияти ниҳоятда катта. Чирчиқ шаҳридаги бир қатор саноат корхоналарида бўлиб, ишлаб чиқариш кўламлари, маҳсулотларининг тури ва сифати билан танишганимизда биз бунга ишонч ҳосил қилдик.

"Бурсел – Тошкент текстиль" Ўзбек-Турк қўшма корхонасидаги технологик жараёнлар, ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар, дарҳақиқат, меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

– Бу корхонада кўрганларимиз ҳар қандай тасаввурлардан ҳам ортиқ бўлди, – деди Жанубий Қозоғистон вилояти "Восход" масъулияти чекланган жамияти бош директори Олписбай Кожаков. – Бу ердаги технологиялар маҳсулот сифатининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

Меҳмонлар "Электркимёсаноат", "Ўзбекқишлоқмаш", "Трансформатор" очиқ акциядорлик жамиятларида ҳам бўлишди. Чирчиқ олимпия захиралари спорт мажмуасида ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари устахоналарида тайёрланган асбоб-ускуналар ва буюмлар кўргазмаси бориб кўрилди.

Сўнгра, Жанубий Қозоғистон ва Тошкент вилоятларининг делегациялари ўртасида расмий учрашув, икки вилоят ишбилармонлар доиралари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди, икки томонлама шартномалар имзоланди.

Учрашув сўнгида меҳмонларга санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Шу куни кечки пайт меҳмонлар Ғишткўприк постида кузатиб қолинди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**







СУРАТЛАРДА: ташриф лаҳзалари.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

### Шундайлар бор бўлсин

**Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоғи ўзининг беназир табиати, тилёрар мевалари-ю, маржон шодасидек товланувчи сара узумлари билан ном таратган. Қишлоқнинг бугунгидек кўркам қиёфа касб этиши, қатор маданий-маиший бинолар, бир-бири билан ҳусн талашувчи гузарларнинг бунёд бўлишида аҳил, иноқ, бир тану жон бўлиб умргузаронлик қилаётган ўнқўрғонликлар қатори бугун барчага бирдек қадрли бўлган, анча йиллар муқаддам қишлоқдаги Ўнқўрғон маҳалласига оқсоқоллик қилган Акром ота Акбаровнинг хизматлари катта, десак хато қилмаган бўламиз.**

# ЎНҚЎРҒОННИНГ МАСЛАҲАТГЎЙИ

«Қари билганни пари билмайди», дейди халқимиз. Биз ҳикоя қилаётган маҳаллада ҳар бир ташаббус, ҳар бир юмушга киришишдан аввал кўпни кўрган оқсоқоллар, кайвони онахонлар билан обдон маслаҳат қилинади. Ёшлар, айниқса, тадбиркору фермерлар ҳамиша кексалар дуосини олишга ошиқадилар. Зеро, яхши ният, оқ фотиҳа билан бошланган ҳар қандай иш хайрли бўлиши шубҳасиз.

Биз ҳам Акром отани йўқлаб, маҳалла гузаридан топдик. Дарвоқе, бу ердаги мўъжазгина чойхонада ҳудуд қариялари, маҳалла фаоллари ҳафтанинг ҳар сешанба кунида тўпланишиб, дилдан гурунглашишади. Ҳар қандай муаммо обдон элакдан ўтказилгач, уни бартараф этиш масъулияти одатда Акром отанинг зиммасига тушади. Ота маҳаллани беш қўлдек билгани, етти ёшдан етмиш ёшгача – барчани яхши танигани боис, ҳар қандай масалани, оилавий можароми, қўшниларнинг «сан-ман»га боришими ёки бирон етишмовчиликми, барини жойида ҳал этади. Керак бўлса, маҳалла раисидан тортиб, катта-кичик тадбиркорларни, хуллас, қўлидан бирор юмуш келадиган одамни ишга солади, охир-оқибат уйдаги гап кўчага чиқмайди.

Акром ота Акбаров Ўнқўрғон маҳалласига ўзи оқсоқоллик қилган ўтган асрнинг 80-йилларини шундай хотирлайди:

— У вақтлар маҳалла-кўйнинг бугунги нуфузи, мавқеи қаёқда дейсиз. Ҳеч ким маҳалла билан ҳисоблашмас, аҳолининг хоҳиш-иродаси, талаби, эътирозига парво қилинмас эди.

Ўша йилларда айрим қатъиятсиз, қоғозбоз раҳбарлар билан баҳслашиб, маҳалла учун у-буни аранг ундирардик. Шукрки, у замонлар ўтди-кетди. Хуллас, 1985 йил район ижроқўмининг қарори билан маҳалла идораси учун ер ажратилишига муваффақ бўлдик. У пайтлар маҳалла идораси учун бугунгидек ёруғ, шинам, замонавий жиҳозланган бинолар қаёқда, дейсиз. Фаоллар билан кенгашиб, маҳаллани оёққа турғаздик ва ҳашар йўли билан қисқа фурсатда мўъжазгина гузар қурилди.

— Маҳалламиз катта, 8000 минг аҳоли яшайди, — дейди ҳозир ҳудудга оқсоқоллик қилаётган Эркин Исабоев. — Одамларнинг мушкулини осон қилиш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, соғлом маънавий муҳитни барқарор сақлашда устозимиз, фахрий оқсоқолимиз ўгитлари билан иш кўрамиз. Улар 87 ёшни қоралаб қолган бўлишларига қарамай, кўз тегмасин, ҳамон тетиклар, ҳамиша ёнимизда турадилар. Ўтган йили қўмитамиз янги биносининг очилишида ҳам отанинг ўзлари бош бўлдилар.

Бугун бу ерда маҳалла юкига елка тутадиган инсонлар кўплиги қувонарли. Маҳаллада 100 га яқин тадбиркор, қарийб 20 фан номзоди, 2 фан доктори ва ўнлаб турли масъул лавозимларда ишлаётганлар ўз фаолиятларининг бир чеккасини маҳалла юмуши билан боғлаганлар, десак муболаға бўлмайди. Улар ҳамиша эзгулик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб, бунга аввало ўзлари шахсий ўрнак кўрсатиб турувчи Акром ота Акбаровдек маслаҳатгўйлари борлигидан фахрланадилар.

**Мўмин ИБОДОВ.**

### 15 май – Халқаро оила куни

**Маълумки, жамиятнинг ҳар бир етук аъзоси аввало оилада тарбия топади. Бинобарин, оила жамиятнинг муҳим бўғинидир. Давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидан бири – оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар замирида оилалар барқарорлигини таъминлашдек эзгу мақсад ётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Оила барқарорлиги эса жисмоний, маънавий, руҳий соғломлик муҳитида мавжуд бўлади.**

# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг қонунчилик асослари белгилаб қўйилган. Чунончи, 63-моддага кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб жамият ва давлатнинг муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Оила кодекси»да жамиятнинг бу асосий ячейкасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг имкониятларини тўла намоён этишнинг мукаммал қонун асослари ўз ифодасини топди.

Мустақиллик йилларида янгиланаётган жамиятнинг асосини ташкил этувчи оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан камол топтириш, янги авлодни тарбиялашда унинг ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори соғлом оилаларни шакллантиришда асосий ўрин тутмоқда. Бу ишда соғлиқни сақлаш муассасалари, кенг жамоатчилик, хотин-қизлар қўмиталари ва маҳаллалар фаолларининг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда вилоятимизда қайд этилган 570 мингга яқин оила, айниқса, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш ҳамиша жамоатчилик эътиборидадир.

Кейинги йилларда ёш оилалар йилдан-йилга ортиб бораётганлиги қувончли. Ҳозирги пайтда вилоятимизда йилига ўртача 17,5-18,5 минг никоҳ қайд этилаётир. Яъни жамият тараққиётида муҳим ўрин тутувчи оилалар кўпайиб, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масъулияти ҳам ортиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбарлигида оила муаммоларини илмий тадқиқ этиб, моддий ва маънавий ёрдам беришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Вилоят «Оила» илмий-амалий маркази соғлиқни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастури, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш чора-тадбирларининг мақсадли дастури бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан вилоятимиздаги 55942 та кам таъминланган оила ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, моддий ва маънавий ёрдам берилмоқда. Бунда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳаллалар фаоллари, жамоатчилик ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Барча тараққийпарвар ва тинчликсевар инсонларнинг бахту саодати муқаддас даргоҳ – оиланинг мустаҳкам бўлишига боғлиқ эканлигининг ифодаси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлашни белгилаб қўйди. Дунёдаги бошқа мамлакатлар қатори, мустақил Ўзбекистонимизда ҳам бу кун кенг миқёсда нишонланмоқда. Зеро, инсон тарбия топадиган оила барқарорлиги, мустаҳкамлиги унинг манфаатлари устувор бўлган Ўзбекистон диёрида алоҳида мазмун-моҳиятга эга. Ҳар бир оила фарзандлари она-Ватанни ардоқловчи, ота-онаси, қариндош-уруғи, маҳалла-кўй, қисқаси, ватандошларга чуқур эҳтиром, садоқат руҳида тарбияланиши сизу бизга чин маънода боғлиқдир.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА,**
**вилоят «Оила» илмий-амалий маркази директори.**

# ТИНЧЛИГИМИЗ РАМЗИДИР ҚАНОТ ЁЙГАН ТУРНАЛАР



Шу куни Чирчиқ шаҳридаги «Турналар» хотира мажмуаси бу ерга тўпланган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, навқирон авлод вакиллари кўз ўнгида мутлақо янги қиёфада намоён бўлди. Бу ерда янгидан хотира девори, фавворалар, гулзорлар барпо этилган.

– Бу ёдгорлик кекса авлоднинг жасорати ва бугунги ёшларимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимиз тинчлигини ардоқлашга бўлган интилишининг чинакам ифодасига айланди, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Муҳаббат Зокирова.

Ангрен шаҳар Хотира майдони эрта тонгдан гавжум бўлди. Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларидан Ж. Алиев, Ғ. Бошқиров, Н. Параманов, С. Шодиев, Ҳ. Назарқуловларнинг хотираларини ёшлар мароқ билан тинглашди.

– Олтмиш икки йилдан буён юрагимда оғир бир юкни олиб юргандекман, – деди Надежда Лаврентьевна Мишченко уруш йилларини эслаб. – Фашистлар бизларни оғир ишларда фойдаланиш учун Германияга ҳайдаб кетишганди. Лагерлардаги дўзах азоби йиғилиб,тошга айланган гўё. Шу сабаб сизларга айтмоқчи бўлган гапим – ҳозирги тинчликни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғингиздек ардоқлаб, асранглар.

Шаҳар ҳокимлиги тўкин дастурхон ёзиб, 200 дан ортиқ уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, барча



туманларда ҳам шундай байрам тантаналари бўлиб ўтди. Халқимиз инсон хотираси ва қадрига амалий эътиборнинг намунасини яна бир бор намоён этди.

Хотира ва қадрлаш куни тантаналарида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТЛАРДА: Хотира ва қадрлаш куни тадбирларидан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

**Ангрендаги 34-мактаб-интернатда 214 нафар болалар таълим-тарбия олади.**

– Тарбияланувчиларнинг 12 нафари мактабгача ёшдаги болалар, – дейди мактаб-интернат директори Абдулҳамид Қаюмов. – Ижтимоий ҳимоя йилида шаҳар ҳокими қарори билан ҳар бир болага алоҳида ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида улар оталиқ ташкилотларга бириктирилди. Болаларнинг омонат кассалардаги жамғармаларига шу корхоналар ҳисобидан йил давомида ойига 10000 сўмдан пул ўтказилиб турилади.

Булардан ташқари, «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти томонидан мактаб-интернат ҳисоб рақамига 2 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказилди. «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси касаба уюшмаси ҳам муассасага 2 та кир ювиш машинаси совға қилди. Шаҳардаги хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик бирлашмаси эса болалар учун кийим-кечаклар, чойшаблар ажратди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# ГЕМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ЮКСАЛИШДА

**Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида қон ивиш тизимининг бузилиши билан кечадиган касалликларни олдини олиш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Анжуманда гемофилия ва тромбоцитопатия соҳасида илм-фан ва жаҳон тиббиёти эришаётган ютуқлар, мамлакатимизда гематология хизматини юксалтиришга қаратилаётган эътибор самараси, касалликларни даволашнинг янги технологиялари ва замонавий препаратларни амалга татбиқ этиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**ЎзА.**

**Зангиота туманидаги 33-мактабда физика-математика фанлари доктори, профессор Бадриддин Рихсиев хотирасига бағишланган дарс бўлиб ўтди.**

# ЭҲТИРОМ ДАРСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика таълим маркази, Фанлар Академиясининг В. Романовский номидаги математика институти, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда сўзга чиққан ҳамкасблар ҳамда дўстлари олимнинг ибратли турмуш тарзи ва самарали меҳнат фаолиятини ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олишди.

– Бадриддин Ўзбекистон Фанлар Академиясининг В. Романовский номидаги математика институтида кичик илмий ходим, бўлим мудири, директор ўринбосари, директор лавозимларида фаолият юритди, – деди Тошкент темир йўл-муҳандислик институти проректори Абдулазиз Ортиқбоев. – Қолаверса, унинг ҳалоллигию диёнати, яхшиликни ҳар доим биринчи ўринга қўядиган инсон эканлиги, энг муҳими, умр бўйи жамоат ишига бел боғлаб яшагани шу мактабда таълим олаётган ҳар бир ўқувчига ибрат бўлиши шубҳасиз.

1990 йили «Дифференциал ўйинларни ечишнинг геометрик методлари» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Уддабурон олим ўз жамоаси манфаатларини ҳимоя қилиб, елиб-югуришдан чарчамасди. У иқтидорли ёшларни излаб, ўқитиб, тарбияларди.

– Устозимиз шу ердаги иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, математикага йўналтирилган синф ташкил этганди, – дейди мактаб директори Нигора Холхўжаева. – Уни тугатганларнинг барчаси бугунги кунда олий ўқув юртларида таҳсил олишяпти. Олимнинг шогирдлари орасидан фан номзодлари, фан докторлари ва профессорлар етишиб чиққан.

Бадриддин Рихсиев нафақат назарий, балки амалий тадқиқотларга ҳам қизиқарди. У қатор олимлар билан ҳамкорликда кимёвий, биологик ва технологик жараёнларнинг математик мақбул услубларини илмий асосларди. Бунинг натижасида бир қатор янги биокимёвий моддалар яратилди. «Ер малҳами» номини олган биоўғит шулар жумласидандир.

Ёшларнинг меҳрибон устози профессор Бадриддин Рихсиевнинг ёрқин хотирасига атаб мактабда унинг асарлари тўпланиб, махсус хона ташкил этилди. Эндиликда ўқувчилар ундан фойдаланиб, ўз билимларини чуқурлаштириб борадилар.

**Отабек ЭЛТОЕВ.**

# ҚАДРЛАНАЁТГАН ҚАРИЯЛАР

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлимлари ва «Адолат» социал демократик партияси ҳамкорликда Бўстонлиқ туманидаги йигирмадан зиёд уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан совға-саломлар топширишди.

Учрашувга йиғилганлар ўша машъум дамларни хотирлаб, бугунги фароғатли кунлар қадрига етиш зарурлигини таъкидлашди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

